

7-26-2020

ORTHOLOGY AS A SCIENCE ABOUT LITERARY NORM

Mekhrigiyo Shokirovna Shirinova
researcher, BSU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

Recommended Citation

Shirinova, Mekhrigiyo Shokirovna (2020) "ORTHOLOGY AS A SCIENCE ABOUT LITERARY NORM," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 3 : Iss. 3 , Article 9.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol3/iss3/9>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

5. O'zbek tilining izohli Lug'ati. 2 tomli. 1-tom. - M.: Russkiy yozik, 1981.

6. O'zbek tilining izohli Lug'ati. 5 jildli. 2-jild. - Toshkent: O'zME Davlat ilmiy nashriyoti, 2006. - B. 556.

УДК: 81`271.14

ОРТОЛОГИЯ АДАБИЙ МЕЪЁР ҲАҚИДАГИ ФАН СИФАТИДА
ОРТОЛОГИЯ КАК НАУКА О ЛИТЕРАТУРНОЙ НОРМЕ
ORTHOLOGY AS A SCIENCE ABOUT LITERARY NORM

Ширинава Мехригиё Шокировна

БухДУ тадқиқотчиси

Shirnova Mekhrigiyo Shokirovna

researcher, BSU

Таянч сўзлар: ортология, тилшунослик, адабий тил, нутқ маданияти, адабий меъёр, тил меъёрлари, тил системаси, узус, коммуникатив жараён.

Ключевые слова: ортология, языкознание, литературный язык, речевая культура, литературная норм, языковые нормы, языковая система, узус, коммуникативный процесс.

Key words: orthology, linguistics, literary language, speech culture, literary norms, language norms, language system, uzus, communication process.

Мақолада ортология сўзининг келиб чиқиши, маъноси, қўлланилиш соҳалари луғатлар асосида шарҳланган ҳамда луғатларда берилган таърифлар умумлаштирилган. Дунё тилшунослигида ортология алоҳида ўқув фани сифатида ўрганилаётган бир даврда ҳали ўзбек тилшунослигига оид манбалар, луғатларда бу тушунчанинг кириб бормаганлиги тилшунослигимиз олдида қилиниши керак бўлган тадқиқотлар жуда кўплигидан далолат беради.

В статье разъясняется происхождение, значение и сферы употребления слова ортология на основе словарей и обобщаются описания данные в разных словарях об ортологии. В то время как ортология изучается как отдельная дисциплина в мировой лингвистике, источники узбекской лингвистики все еще не включают это понятие в словари, что указывает на то, что перед нашей лингвистикой предстоит провести много исследований.

The article gives an overview of the origin, meaning, application areas of the orthology on the basis of dictionaries and summarizes its interpretations given in the dictionaries. At a time when orthology is being studied as a separate discipline in world linguistics, the sources of Uzbek linguistics still do not include this concept in dictionaries, which indicates that there is a lot of research to be done before our linguistics.

Кириш. Тарих силсиласида ўзига хос ўрин ва аҳамиятга эга бўлган тилшунослик фани бир қанча йўналишу соҳалари ёрдамида турли хил муаммоларни ўрганиб, тарихий тараққиётга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Тилшуносликнинг ҳар бир йўналиши ўзининг қимматли тадқиқотлари билан жамият эҳтиёжларини қондиришда алоҳида аҳамиятга эга. Шундай йўналишлардан бири **ортология**дир.

Асосий қисм. Ортология сўзининг луғавий маъноси, этимологияси луғатларда қуйидагича изоҳланади:

1. “Ортология (<грек. *orthos* “**тўғри**” + *logos* “**фан**”) лингв. тилшуносликнинг тил меъёрлари, шунингдек, шу меъёрлардан чекиниш, нутқ хатоликларини ўрганувчи бўлимидир [6]. Таърифда ортология тил меъёрлари, яъни орфоэпик, орфографик, лексик, грамматик ва шу каби меъёрларни ҳамда ушбу меъёрларга риоя қилинмаганда ҳосил бўладиган нутқ хатоликларини ўрганиши айтиб ўтилган.

2. “Тилшунослик фанлари доирасида ортология – тил меъёрлари ва уларни ўрнатишни ўрганади. Ортология XIX асрда – тил системаси ва тил меъёрлари ўртасидаги фарқ анланган пайтда грамматикадан ажралиб чиқди ва мустақил бўлди

TILSHUNOSLIK

[4]. Ортологиянинг грамматикадан ажралиб, мустақил бўлганлиги табиий ҳол. Чунки тил меъёрлари нафақат грамматика соҳаси, балки тилнинг барча соҳалари учун бирдек аҳамиятлидир.

3. “Ортология. 1. Узус ва тил системасига нисбатан меъёрларнинг тарихий ўзгарувчанлиги ва фаолиятини ўрганувчи тилшунослик бўлими. 2. Тўғри нутқ назарияси” [5]. Ушбу изоҳда ортология кўп маъноли сўз сифатида шарҳланган. Изоҳдан англаш мумкинки, ортология узус (бирор бир тил аҳлида тил системасида мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланиб келинаётган қисми) ва тил системасига нисбатан меъёрларнинг вақт ўтиши билан ўзгарган вариантларини ўрганар экан. Шу билан бирга, луғавий маъносидан келиб чиқиб тўғри нутқ назарияси деб таърифланган.

4. “Ортология – ўрганиш объекти тўғри адабий нутқ назариясини изоҳлайдиган тилшунослик бўлими. Ортология тушунчаси адабий тилнинг оғзаки ва ёзма меъёрларини эгаллаш, яъни нутқ маданияти таркибий қисмлари нормаларини ўрганиш билан боғлиқ” [7]. Бизнингча, келтирилган изоҳ тушунча моҳиятини юқоридагиларга қараганда яққолроқ ифодалаган.

Инглиз тили луғатларида ҳам ортология маъно жиҳатидан юқоридаги луғатлардан фарқ қилмаган ҳолда изоҳланган. Шу билан бирга қўшимча фактлар ҳам келтирилган:

1. **“Ортология 1. от. камдан-кам учрайдиган. Тилни тўғри, тасдиқланган ёки анъанавий ишлатиш билан шуғулланадиган грамматика соҳаси. Келиб чиқиши XVII аср бошлари; энг биринчи фойдаланиш Мартин Фотерби (1560-1620)да учрайди. Ортология 2. биология. Келиб чиқиши 1970 йиллар; илк марта тизимли зоологияда ишлатилган** [12]. Инглиз руҳонийси сифатида танилган Мартин Фотерби 1618 йил Салисбури черковининг епископи бўлган. Атеизмга қарши ғояларни акс эттирувчи асарлари мавжуд ва ушбу асарларида ортология сўзини биринчи марта ишлатган.

Ортология терминининг тизимли зоологияда илк марта 1970 йил ишлатилганлиги айтиб ўтилган. Назаримизда, кейинчалик биологик термин сифатида фойдаланилган. Чунки луғатлардан излаганимизда фақатгина биологик термин изоҳига кўзимиз тушди: “*Ортология биол. генетиканинг бир авлоддан пайдо бўлган турли хил жонзотларнинг ген хусусиятларини ўрганувчи бўлими*” [13].

Бизнингча, икки соҳада ишлатиладиган ортология терминлари ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд. Боғлиқлиги шундаки, мерос бўлишлик, кўчиб юрувчанлик хусусиятлари ҳар икки термин учун умумийдир. Ген [юн. *genos* – уруғ, келиб чиқиш] – ирсиятнинг элементар бирлиги ва моддий асоси бўлиб, у организм белги ва хусусиятларини наслдан наслга ўтказиш функциясини бажарганидек [8], тилдаги адабий меъёр ҳам авлоддан авлодга кўчади, мерос бўлиб қолади.

1. “Ортология институти томонидан асосий инглиз тилига сўзларни танлаш учун ортология сўзи энг кўп ишлатилади. С.К. Огден ва И.А. Ричардсларнинг “*The Meaning of Meaning*” (“Маънонинг маъноси”) китоби ортологияга оид энг муҳим китобдир. Ортология термини Карл ПEARсоннинг “*The Grammar of Science*” (“Илм грамматикаси”) китоби орқали кириб келган [11].

XX асрда тилшунослик семантикаси ва семиотикасига оид ишларда тез-тез санаб ўтиладиган С.К. Огден (1889-1957) ва И.А. Ричардс (1893-1979)ларнинг “*The Meaning of Meaning*” (“Маънонинг маъноси”) китоби 1923 йилда ёзилган. Бу асар “Ортология” ва “ортологик” терминлари шарҳланган энг муҳим китоблардан бири саналади. Унда инглиз тилини соддалаштириш ортологиянинг муҳим соҳаларидан бири эканлиги таъкидланиб, осон ва содда инглиз тили меъёрларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинган. Орадан бироз вақт ўтгач, 1928 йил уларнинг тадқиқотлари Ортологик институт номи билан бирлаштирилади [14,15,16]. Огден асосий инглиз тилини тарғиб қилиш учун 1927 йилда Ортология институтини ташкил қилди. Институтнинг бош қароргоҳи Кембрижда Кинг парадида жойлашган эди. Кейинчалик 1943 йилда институт Лондоннинг Гордон майдонига кўчиб ўтади. Институт асосан инглиз тилига оид луғатларни тузиш ва тарғиб қилиш билан шуғулланади. Огденнинг асосий инглиз тилини ҳимоя қилиш ҳаракатлари 1925 йилдан то умрининг охиригача давом этган. У *Basic English* (асосий инглиз тили) – 850 сўздан иборат ёрдамчи халқаро тил луғатини

яратади, бу луғат кундалик мақсадлар учун зарур бўлган барча жиҳатларни ўз ичига қамраб олган эди. Шунингдек, ogden.basic-english веб сайтини ҳам яратди. Умуман олганда, Огден ва Ричардсларнинг асосий мақсади инсонлар учун қулай бўлган тил меъёрларидан фойдаланиб, содда, ўрганилиши осон бўлган асосий инглиз тилини ишлаб чиқиш ва тарғиб этишдир [17].

Карл Персон (1857-1936) кучли инглиз математики бўлиб, математик статистика фанини яратган. Унинг *“The Grammar of Science”* (*“Илм грамматикаси”*) асари дастлаб 1892 йил нашр этилган бўлиб, унда “ортология – мантиқнинг асосий қисми тилдан тўғри фойдаланишни ўганиш, аниқ белгилаш ва зарур бўлганда атамаларни ихтиро қилиш” деган ортологиянинг 3 томонли таърифи тилдан тўғри фойдаланиш билан бошланиб, норматив ёндашув сифатида изоҳлаш билан тугаган. Инглиз тилшунослигида К.Персон 1-март ортологияни тилшунослик термини сифатида изоҳлаган. Ортологиянинг луғатдаги илк таърифи Оксфорд инглиз тили луғати (Oxford English Dictionary)да келтирилган: “Инсонларга сўзларни тўғри қўллашни ўргатиш” [14,15].

Бундан ташқари қуйидаги қизиқарли маълумотга ҳам дуч келдик: “Пифагор нумерологиясида ортологиянинг рақамли қиймати 9 га тенг” [12]. Тарихдан маълумки, сонлар фалсафаси, сонлар билан иш кўрувчи – нумерология фанининг асосчиси юнон файласуфи ва математики Пифагордир. У Ер юзидаги барча воқеа-ҳодисалар рақамлар билан боғлиқлигини исботлаб берди, шунингдек, ҳар бир рақамда маълум бир маъно яширинганлигини айтиб ўтди. Жумладан, 9 рақамга шундай изоҳ берилган: “9 – ялли муваффақият рамзи, барча элементар сонларнинг энг йириги. У бутун гуруҳнинг хусусиятларини бирлаштиради, бу эса уни, агар тўлиқ даражада ривожланган бўлса, назорат этувчи омилга айлантиради. 3 нинг уч карраси сифатида эса 9 сони беқарорликни интилишга айлантириб юборади” [1,37].

9 рақамида ифодалаган юқоридаги маъноларни ортология тушунчасига юклайдиган бўлсак, қуйидагича мазмун келиб чиқади: ҳақиқатдан ҳам, ортология тилшуносликдаги барча бўлимларнинг энг йириги ҳисобланиб, барча бўлимларни бирлаштиради ҳамда назорат қилади, беқарорлик, тартибсизликка барҳам беради. Демак, ортологиянинг нумерологиядаги қиймати тўғри ҳисобланган.

Статистик маълумотларга кўра, ортологиянинг “фойдаланиш частотаси бўйича машҳурлик даражаси қуйидагича: 129276” [12]. Частотадан кўриш мумкинки, ортология тушунчаси барча халқлар тилшунослигига тўлиқ кириб бормаган. Чиндан ҳам бу терминни айрим тил луғатлари (рус, инглиз, француз, қозоқ ва бқ.)дагина учратдик. Бу луғатларда ҳам ортология изоҳи таҳлилга тортилган луғатлардан фарқ қилмайди, шунинг учун мақолада келтиришни жоиз деб ҳисобламаймиз. Аммо изоҳлар бир-бирига яқин бўлса-да, ортология соҳасига оид тадқиқотлар ҳар бир тилда турличадир (бу тадқиқотлар таҳлилини бериш эса мақола дорасига кирмайди).

Ўзбек тилидаги луғатларни кузатар эканмиз, ортология сўзига кўзимиз тушмайди. Фақатгина янги таҳрирдаги ЎТИЛда орто- тушунчасига берилган изоҳни кўриш мумкин: “орто-, орфо- (юн. *orthos* – тўғри, тўппа-тўғри) Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми: бирор нарса-ҳодисанинг тўғрилигини, тиклигини, тўғридан-тўғри рўй беришини билдиради (Юнонча олд қўшимчанинг икки хил ўқилишидан икки хил вариантда ёзилади) мас.: ортопедия, орфография” [2,142].

Луғатларда берилган таърифларни умумлаштириб, шуни айтиш мумкинки, ортология тилшуносликка оид термин сифатида тилдаги адабий меъёрларни ўрганадиган соҳадир. Адабий меъёр – тилда лингвистик бирликларни ишлатиш учун тарихий ва ижтимоий жиҳатдан тасдиқланган қоидадир. Маълумки, меъёр динамик бўлиб, вақт ўтган сайин ўзгариб туради ва шу билан бирга консерватив, яъни барқарорликни ҳам билдиради.

Замонавий тилшуносликнинг антропоцентрик йўналишини кучайтириш, асосий эътиборни тил системасидан коммуникатив жараёнга қаратиш бир қатор нутқ фанларини ривожлантиришни ва қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Нутқ маданияти билан боғлиқ муаммоларнинг ортганлиги замонавий илмий ғояларни акс эттирувчи лингвистик назарияни яратишга эҳтиёж туғдирди. Шу муносабат туфайли нутқ

TILSHUNOSLIK

маданияти, адабий меъёр ва бу тушунчалар билан боғлиқ ҳодисаларни яхлит ифодаладиган ортология соҳаси тилшуносликка кириб келди.

XX асрда Россия, Чехия, Германия ва бошқа тил марказларида ортология муаммолари ўрганилди. Дунё тилшунослигида ортологик тадқиқотлар жуда кўпчиликти ташлил этади. Бу тадқиқотларнинг ҳар бирига бир мақола доирасида тўхталиб ўтишнинг имкони йўқдир. Сўнги ўн йилликда рус тилшунослигида яратилган тадқиқотларда (А.Г. Жукова (2002), Е.М. Хакимова (2003), О.Г. Никонорова (2005), Г.Е. Дронова (2006), И.В. Береля (2007), А.Г. Кротова (2011), Т.А. Славгородская (2011), В.В. Свинцов (2012))¹ ортология билан шуғулланган олимлар номи санаб ўтилган. Шунингдек, Э.Бегматов ва А.Маматовларнинг “Адабий норма назарияси” (1-қисм) китобида адабий тил, адабий нормага оид ишлар батафсил ўрганилган, таҳлил қилинган ва илмий жиҳатдан умумлаштирилган [13].

Ўзбек тилшунослигидаги айрим ишларда ортология тушунчасига қисқагина таъриф берилган бўлса (мас.: нутқ ҳақидаги таълимот – ортология [9]), айрим ишларда тилшуносликнинг янги йўналиши ёки махсус тадқиқ этилиши лозим бўлган соҳалардан бири эканлиги айтиб ўтилиб, номи келтирилган, холос [10]. Бу фақат ортология терминини ишлатилиши билан боғлиқ қараш. Ортология соҳаси таркибига кирадиган адабий норма, тил меъёри, нутқ маданияти ва услубияти, адабий тил каби бир қатор тушунчалар ўзбек тилшунослари томонидан тадқиқ этилган ва тадқиқ этилмоқда.

Ўзбек тилшунослигида 1960 йиллардан кейин тил нормаларига дахлдор бир қатор ишлар эълон қилинган. Ўзбек адабий тили нормаси ва нутқ маданиятининг назарий масалалари С.Иброҳимов, Э.Бегматов, Р.Қўнғировларнинг мақолаларида, лексик норма масалалари Ш.Шоабдурахмонов, А.Ғуломов, О.Усмонов масалаларида, услубий норма Ғ.Абдурахмонов, И.Қўчқортоев, Б.Ўринбоев, М.Мукаррамов, Р.Қўнғуров, И.Тошалиев, Б.Умурақовларнинг кузатишларида, нутқ маданиятида луғатларнинг ўрни ва роли С.Акобиров, Т.Алиқулов, Э.Фозиловлар ишларида, тиниш белгиларининг ишлатилиш нормалари Х.Ғозиев, К.Назаровалар ишларида, алифбо, имло ва талаффуз нормалари С.Иброҳимов, А.Ҳожиёв, Ш.Рахматуллаев, Э.Бегматов, А.Маматовларнинг мақолаларида таҳлил қилинган [3,29].

Бугунги кунда ортология соҳасига берилган таърифлар турличадир: “сўзларни тўғри қўллашни ўргатадиган фан”, “нутқ маданияти ҳақидаги фан”, “нутқ маданиятининг таркибий қисми”, “нутқ тўғрисидаги таълимот”, “меъёр ҳақидаги фандир”. Бизнингча, ортологияни унинг луғавий маъносидан келиб чиқиб, адабий меъёрни, яъни тўғри, тартибга солинган адабий тил меъёрларини ўрганадиган ва уни тартибга солувчи қоидаларни ишлаб чиқадиган соҳа дейиш тўғрироқдир.

Хулоса. Дунё тилшунослигида ортология алоҳида ўқув фани сифатида ўрганилаётган бир даврда ҳали ўзбек тилшунослигига оид манбалар, луғатларда бу тушунчанинг кириб бормаганлиги тилшунослигимиз олдида қилиниши керак бўлган тадқиқотлар жуда кўплигидан далолат беради. Ортология тушунчаси ва ортология соҳасининг тилшунослигимизга кириб келиши кўплаб амалий ишларнинг юзага келишига туртки бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Karimov B.X., Qalandarov A.D. Sonlar falsafasi. - Buxoro, 2010. - 405 b.
2. O'zbek tilining izohli lug'ati. 3-jild. A.Madvaliev tahriri ostida. - T.: O'zME, 2007. - 688 b.
3. Begmatov E., Mamatov A. Adabiy norma nazariyasi. 1-qism. - T.: Navro'z, 1997.

¹Жукова А.Г. Ортология в теоретическом и прикладном рассмотрении: Автореф. дисс... канд. фил.наук. – Новосибирск, 2002; Хакимова Е.М. Статический и динамический аспекты языковой нормы: анализ, систематизация, обоснование: Автореф. дисс... канд. фил.наук. – Челябинск, 2003; Никонорова О.Г. Малые рекламные жанры в прагматическом, когнитивном и ортологическом аспектах: На примере бегущей строки: Автореф. дисс... канд. фил.наук. – Омск, 2005; Дронова Г.Е. Коммуникативная категория “ясность речи” в жанре лекции: Автореф. дисс... канд. фил.наук. – Екатеринбург, 2006; Береля И.В. Многоуровневая системность стилистических норм и проблема типологизации речевых отклонений от них: Автореф. дисс... канд. фил. наук. – Краснодар, 2007; Кротова А.Г. Лексическая норма и ее отражение в языковом сознании носителей языка: опыт экспериментального исследования: Автореф. дисс... канд. фил.наук. – Новосибирск, 2011; Славгородская Т.А. Реализация словообразовательного потенциала языка в текстах СМИ: нормативный аспект: Автореф. дисс... канд. фил.наук. – Краснодар, 2011; Свинцов В.В. Языковая трудность: системный, лексикографический и методический аспекты: на материале русского языка: Автореф. дисс... канд. фил. наук. – Москва, 2012.

4. Literatura i yozik. Sovremennaya illyustrirovannaya entsiklopediya. - M.: Rosmen. Pod redaktsiyey prof. Gorkina A.P. 2006. <https://dic.academic.ru/dic.nsf/enc_literature/5236/>
5. Tolkoviy slovar Yefremovoy. T.F. Yefremova. 2000. <<https://dic.academic.ru/dic.nsf/efremova/278528/>>
6. Tolkoviy slovar inostrannix slov L.P. Krisina. - M: Russkiy yozik, 1998. <https://dic.academic.ru/dic.nsf/dic_fwords/53290/>
7. Uchebniy slovar stilisticheskix terminov. - Novosibirsk: Novosibirskiy gosudarstvenniy universitet. O.N. Laguta. 1999. <<https://stilistics.academic.ru/464/>>
8. <<https://uz.wikipedia.org/wiki/Gen>>
9. <<http://uz.denemetr.com/docs/768/index-280822-1.html?page=2>>
10. <<https://kun.uz/72304998>>
11. <[https://en.wikipedia.org/wiki/Orthology_\(language\)](https://en.wikipedia.org/wiki/Orthology_(language))>
12. <https://www.lexico.com/en/definition/orthology>
13. <<https://ru.wiktionary.org/wiki/>>
14. <<https://www.goodreads.com/book/show/3356445-the-grammar-of-science>>
15. <https://books.google.co.uz/books?id=E_Z8JaM_Q78C&pg=PA2582&lpg=PA2582&dq=%E2%80%9CThe+Meaning+of+Meaning%E2%80%9D+orthology&source>
16. <<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0388000113001095>>
17. <https://en.wikipedia.org/wiki/Charles_Kay_Ogden>

УДК: 81'373.612.2

**SHAVKAT RAHMON SHE'RIYATIDAGI ZOOMORF METAFORALARNING
LINGVOMADANIY XUSUSIYATLARI**

**ЛИНГВОКУЛЬТУРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ЗООМОРФНЫХ МЕТАФОР В
ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ШАВКАТА РАХМАНА**

**LINGUOCULTURAL FEATURES OF ZOOMORPHIC METAPHORS IN SHAVKAT
RAHMAN'S WORKS**

Sayidova Gulruh Yoqubovna

Buxoro viloyati Romitan tumani 22-son o'rta umumta'lim maktabi o'qituvchisi

Sayidova Gulrukh Yokubovna

teacher of secondary school №22 of Romitan district of Bukhara region

Tayanch so'zlar: til, madaniyat, leksema, zoomorf, metafora, lingvistika, lingvokulturologiya, trop, metaforizatsiya.

Ключевые слова: язык, культура, лексема, зооморф, метафора, лингвистика, лингвокультурология, троп, метафоризация.

Key words: language, culture, lexeme, zoomorph, metaphor, linguistics, lingvoculturology, trope, metaphorization.

Maqolada o'zbek xalqining mashhur shoiri Shavkat Rahmon she'riyatidagi zoomorf metaforalar lingvistik, chunonchi, lingvokulturologik aspektda tahlil etilgan, shoir she'rlarida qo'llangan zoomorf metaforalar mavzuiy guruhlar bo'yicha tasniflangan, it, qush, laylak, qarg'a kabi zoomorf metaforalar ashyoviy materiallar asosida atroflicha o'rganilgan.

В статье анализируются зооморфные метафоры в поэзии известного узбекского поэта Шавката Рахмана в лингвистическом, а также лингвокультурологическом аспектах, зооморфные метафоры в произведениях поэта классифицированы по тематическим группам, зооморфные метафоры, такие как собака, птица, аист, ворон были подробно изучены на основе материала.

In the article, zoomorphic metaphors in the poetry of the famous Uzbek poet Shavkat Rahmon are analyzed in linguistic, as well as linguocultural aspects, the zoomorphic metaphors used in poetry poems are classified by thematic groups, and zoomorphic metaphors such as dogs, birds, storks, ravens have been extensively studied on the basis of material.